



## ИССИКЛИККА ВА ГАРЕМСЕЛГА ЧИДАМЛИ НАВЛАРНИ ЯРАТИШ БЎЙИЧА МАТЕРИАЛЛАР

*ҚМШИ доцент Холмуродова З.Д.  
талаба ООТ-167-21 гуруҳ Гелдиев А.А.*

**Аннотация:** В статье представлены сведения о засухо-, жароустойчивости и других факторах сортов и образцов озимой пшеницы на орошаемых землях. В связи с этим констатируется, что методы оценки устойчивости озимой пшеницы к засухе и жаре могут быть определены на разных стадиях вегетационного периода и на первой фазе стадий развития.

**Ключевые слова.** Озимая пшеница, засуха, жара, устойчивость, сорт, рисунок, рост, урожайность, количество клубней, длина, урожайность, качество зерна.

**Abstract:** The article presents information on drought, heat resistance and other factors of varieties and samples of winter wheat on irrigated lands. In this regard, it is stated that methods for assessing the resistance of winter wheat to drought and heat can be determined at different stages of the growing season and at the first phase of development stages.

**Keywords:** Winter wheat, drought, heat, resistance, variety, pattern, growth, yield, number of tubers, length, yield, grain quality.

**Аннотация:** Мақолада кузги буғдой нав ва намуналарининг суғориладиган ерларда қурғоқчилик ва иссиқликка чидамлилиги ва бошқа омиллар бўйича маълумотлар келтирилган. Шу аснода кузги буғдойнинг қурғоқчиликка ва иссиқликка чидамлилигини баҳолаш усуллари ўсув даврининг ҳар хил босқичларида ҳамда ривожланиш босқичларининг биринчи фазасида аниқлаш мумкинлиги баён қилинган.

**Калит сўзлар.** Кузги буғдой, қурғоқчилик, иссиқлик, чидамлилик, нав, намуна, ўсув, ўнвчанлик, илдизчалар сони, узунлик, ҳосилдорлик, дон сифати.

**Кириш.** Ўзбекистонда буғдой экиладиган минтақалар иқлимнинг асосий хусусиятлардан бири қурғоқчил ва иссиқ шароит ҳисобланади. Ўзбекистонда тез-тез содир бўладиган қурғоқчилик буғдойнинг ўсув даври давомида ўсимликка катта таъсир кўрсатиб, ҳосилдорлик ва дон сифатининг пасайишига сабаб бўлади. Шунинг учун Ўзбекистонда яратиладиган янги навларга



қўйиладиган асосий талаблардан бири-бу юқори маҳсулдорликка эга бўлган ҳолда қурғоқчилик ва иссиқликка чидамлик хусусиятидир. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда қурғоқчиликка чидамли навларни ўрганиш ва танлаб олиш мақсадга мувофиқдир.

**Тадқиқот предмети ва услуби.** Тажрибада келиб чиқиши турли экотипларга мансуб 100та нав ва нав намунаси устида иш олиб борилди. Қурғоқчиликка чидамли навлар яратиш мақсадида юмшоқ буғдой нав ва намуналарининг қурғоқчиликка чидамлилиги лаборатория шароитида уруғларнинг сахароза эритмасида униб чиқиши, илдизчалар сони ва узунлигини баҳолаш асосида ўрганилди. Ўсимликларнинг қурғоқчиликка чидамлилигини аниқлашнинг биринчи усулларида бири 1927 йилда А.Булингера томонидан асос солинган уруғларни сахароза эритмасида ўстиришдан иборат. Биз олиб борган тажрибада қурғоқчиликка чидамлик даражаси Н.Кожушко услуби асосида, Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Қашқадарё филиалининг ўсимликлар физиологияси лабораториясида аниқланди.

**Тадқиқот натижаси.** J.Lelleунинг таъкидлашича, қурғоқчиликка чидамлик буғдой ўсимлигининг барча ўсув даврида бирдай бўлмайди. Қурғоқчилик, маълумки, тезда кенг майдонларни қамраб олади ва экинларнинг ҳосилдорлигини кескин пасайтиради. Бунинг натижасида қишлоқ хўжалик экинлари катта зарар кўради. Қурғоқчиликка қарши курашнинг муҳим тадбирларидан бири экинларнинг қурғоқчиликка чидамли навларини яратишдир.

Ушбу тадқиқотда Ўзбекистон шароитида қурғоқчиликка бардошли, иссиқликка чидамли буғдой навларини яратишда жаҳон коллекцияси намуналари ва бошланғич манбаларни қурғоқчиликка ва иссиқликка чидамлилигини лаборатория шароитида баҳоланди. Бугунги кунда ўсимликларнинг қурғоқчиликка ва иссиқликка чидамлилигини баҳолаш усуллари ўсув даврининг ҳар хил босқичларида ҳамда ривожланиш босқичларининг биринчи фазасида аниқлаш мумкин.

Р.А.Бородинанинг таъкидлашича эритма концентрациясида уруғни ундиришда ҳар йили тузатма киритиб бориш лозим. Чунки ҳар хил йилда етиштирилган уруғларда униб чиқиш қуввати турлича бўлади. Фарбий Сибир шароитида баҳорги юмшоқ буғдойни қурғоқчиликка чидамлилигини ўрганган О.И.Гамзиков ва Л.Г.Гудиновалар ҳам юқоридаги фикрга келишган.



Олиб борилган тажрибада андоза “Яксарт” навининг унувчанлиги униб чикқан майсалар сонига кўра, назорат вариантыда 92 % ни, сахароза эритмасида 97 % ни, илдизчалар сони назорат вариантыда 3.9 дон ва сахароза эритмасида 3 донани ташкил этди (1-жадвал).

1-жадвал

**Қурғоқчиликка чидамли юмшоқ бугдой нав ва намуналарини  
лаборатория шароитида баҳолаш**

Т/р	Д	Нав ва намуна номи	Унувчанлик, %	Илдиз сони, дон		Илдиз узунлиги, см		Коллеоптиле узунлиги, см	
				К	С	К	С	К	С
1	1	Ҳ Бешир	97	3,9	3	9,2	3,7	3,9	2,3
2	11	Яксарт	97	4	3	9,2	1,6	3,5	1,6
3	3	BONITO-36/BILINMIYEN96.55 Д-19	99	3,7	3,9	4,6	4,2	3,3	3,2
4	7	LUTESCENS-42*2//PBW343*2/KUKUNA Д-59	99	4,8	4,6	6,1	4,8	5,2	4,3
5	16	LUTESCENS-42*2/4/SERI.1B*2/3/KAUZ*2/BOW//KAUZ Д-50	96	4,3	4,1	7,1	6,7	4,5	4,2
6	9	SKIPHYANKA*2//PRL/2*P ASTOR Д-79	99	3,5	4,2	7,3	6,1	5	4,5
7	21	AGRI/NAC//ATTILA/3/PYN/2*BAU	96	3,4	3	8,6	4,7	4,8	3,7
8	22	OGALLALA/KS95WGRC33//JAGGER/3/BETTY	98	5	4,3	6,4	5,8	4,9	4,6
9	41	AGRI/NAC//ATTILA/3/DOR ADE-6	98	4,6	4,3	5,4	4,1	4,9	4,6
10	42	8229/OK81306//SHARK-4/3/BONITO-37	97	4,1	4,4	4,1	6,3	3,8	4,9
11	43	ID800994W/VEE//F900K/3/P ONY/OPATA/4/BUCUR Д-23	96	4,5	4,8	6,7	7,9	5,8	5,3
12	44	SAD1//KATE/MVM/3/GENE /4/PEHL//VORN/BAU	99	4,2	3,6	5,1	4,6	4,8	4
13	64	ANAST/3/LUFER-1/MV OPT//F6038W12.1 Д-35	99	4,8	4	5,5	4,9	4,8	3,8
14	65	KARLYGASH*2/TUKURU Д-45	97	4,3	3,4	4,4	4	3,9	3,2



15	69	STEKLOVIDRAYA-24/4/SERI.1B*2/3/KAUZ*2/BOW//KAUZ Д-85	99	3,7	3,9	4,8	5,3	4,8	4,3
16	70	SKIPHYANKA/4/SERI.1B*2/3/KAUZ*2/BOW//KAUZ Д-95	98	3,3	3	5,4	4,7	3,4	3,2
17	58	SKIPHYANKA*2/4/SERI.1B*2/3/KAUZ*2/BOW//KAUZ Д-74	99	3,8	3,2	6,5	5,9	4,7	4,3
18	95	ALMALY*2//PRL/2*PASTOR	96	3,9	3,3	3,6	3,2	2,5	2,9
19	96	LUTESCENS-42*2/TUKURU	100	3,6	3,1	3,8	3,4	3,4	3,2
20	99	ALMALY//PRL/2*PASTOR Д-88	99	3,3	2,9	3,6	3,2	3,5	2,7
21	100	KUPAVA//PBW343*2/KHV AKI	99	4,1	3,9	5	4,8	3,4	3

Ўрганилаётган намуналарда униб чиққан майсалар сони назорат вариантыда 92-100 %, сахароза эритмасида 97-100 % назорат навига нисбатан танлаб олинган нав намуналарида илдизчалар сони бўйича сувда 3,3-5,0 дона ва сахарозада 2,9-4,8 дона ораликда бўлганлиги аниқланди. Андоза “Яксарт” навига нисбатан қурғоқчиликка чидамлилиги юқори бўлган 19 та нав ва намуналар назорат вариантда 98-100 % унвчанликка эга бўлиб, сахароза эритмасида бу кўрсаткичлар тегишлича 96-100 % ни ташкил этди.

Тажриба натижасига кўра қўйидаги юмшоқ буғдой намуналарининг (OGALLALA/KS95WGRC33//JAGGER/3/BETTY,LUTESCENS42\*2//PBW343\*2/KUKUNAD59,ID800994W/VEE//F900K/3/PONY/OPATA/4/BUCURД-23) сахароза эритмасидаги кўрсаткичлари, яъни униб чиққан майсалар ва илдизчалар сони ҳамда илдизчалар ва колеоптиле узунлигининг андоза нав ва намуналардан юқори бўлганлиги сабабли келгусида селекция жараёнларида қурғоқчиликка чидамли юмшоқ буғдой навларини яратиш ва чатиштириш учун танлаб олинди.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Чиникулов Б. Юмшоқ буғдойнинг баъзи намуналарида қурғоқчиликка чидамлиликни ўрганиш // Ўзбекистонда буғдой селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш технологиясига бағишланган биринчи миллий



- конференция: Илмий конф. маърузалар тўплами. 17-18 май 2004. – Тошкент, - Б.412-414.
2. Р.А.Бородина. ”Комплексная физиологическая оценка засухо-и жароустойчивости озимой пшеницы в условиях Узбекистана”.(Методические указания).
  3. Умиров Н.Ж., Хайитбоев А.Х., Нурбеков А.И. Юмшоқ буғдойнинг жаҳон коллекция намуналаридан бошланғич материаллар. //Ўзбекистонда буғдой селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш технологиясига бағишланган биринчи миллий конф. Т. 2004. Б.112-126.
  4. М.А.Аманов. “Устойчивость пшениц Узбекистана к неблагоприятным факторам среды”. “ФАН”. Ташкент-1978 г.